



TAMADDUN NURI

Илмий, ижтимоий-фалсафий,
маданий-маърифий,
адабий-бадиий журнал
Икки ойда бир марта чиқади

МУАССИС:

Қорақалпогистон Республикаси
Беруний тумани ҳокимлиги

ҲАМКОРЛАРИМИЗ:

ЎзРФА Қорақалпогистон бўлими
Хоразм Маъмун академияси

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Сирохиддин САЙЙИД

Муҳаммад АЛИ

Кенгесбай КАРИМОВ

Иқбол МИРЗО

Гуллистон МАТЕҶУБОВА

Қурбон ШОНИЁЗОВ

Ўрзобий АБДУРАҲМОНОВ

Муротбай ЖУМАНОВ

БОШ МУҲАРРИР:

Мунаввара ҚУРБОНБОЕВА

БЎЛИМ МУҲАРРИРИ:

Анвар АЛЛАМБЕРГЕНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Акмал САЙДОВ

Нағмет АИМБЕТОВ

Ғайратдин ҲҮЖАНИЁЗОВ

Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ

Шорустам ШОМУСАРОВ

Каримбай ҚУРОМБОЕВ

Зарифбай ДўСИМОВ

Олмос УЛВИЙ

Ваҳоб РАҲМОНОВ

Бахтиёр КАРИМОВ

Алима БЕРДИМУРОДОВА

Марат НИЁЗИМБЕТОВ

Алмагул БАЙРИЕВА

Яхшибека АБДУЛЛАЕВА

Машариб АБДУЛЛАЕВ

Ўқтам МАВЛОНОВ

Муҳаммадшариф ҲҮЖАНИЁЗОВ

Қозоқбай ЙЎЛДОШЕВ

Норбек ТАЙЛАКОВ

Сафо МАТЖКОНОВ

Усербай АЛЕУВ

Мэлс ҚОБУЛОВ

Дониёр ҲОЖИЕВ

Бозорбай ОРАЗАЛИЕВ

Рассом: Алибек АБДУРАҲМОНОВ

Саҳифаловчи-безовчи:

Фиёсiddин ЎНАРОВ

Техник мухаррир:

Улугбек САЙДОВ

Ушбу сон "Тамаддун нури" журналини
таҳририятининг компьютерида
саҳифаланди.

Журнал ОАК эътироф этган
нашрларнинг 07.00.00 "Тарих",
09.00.00 "Фалсафа", 10.00.00
"Филология" ихтиносиги бўйича
рӯйхатига кирилтган.

МУНДАРИЖА

ИСЛОҲОТЛАР АМАЛДА

Атабек САЛАРБАЕВ. Халқ фарононлиги – бош мақсадимиз.	2
Умиджон ҚАЛАНДАРОВ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ бош ассамблеяси 75-сессиясидаги нутқини тинглаб.	3

ЖАМИЯТ

Бобур АБДУЛҲАҚИМОВ. Глобал таҳдидлар шароитида ёшлар ва мағкуравий иммунитет масалалари.	4
---	---

ТАРИХ

Нилуфар БЕКЧАНОВА. Оила келиб чиқишининг тарихий илдизлари ва ҳуқуқий асослари.	8
Валишер АБИРОВ. "Ўзбек" этноминиминг пайдо бўлишига доир қарашлар.	12
Руслан АНЕЗОВ. Марказий Осиё шаҳарларида савдо карвонларига хизмат кўрсатишнинг ўзига хос жиҳатлари (IX-XV асрлар).	16
Феруз БОБОЕВ. Ҳуррамбекнинг Сурхон воҳасида қизил армияга қарши кураши.	19
Маман РАМАТУЛЛАЕВ. Қорақалпогистонда иккинчи жаҳон уруши йилларида диний сиёсат (динга муносабат). 22	
Мөхридин НУРИДДИНОВ. Тарих фанида ахборот технологияларини жорий этишда "Тарих ва компьютер" халқаро ассоциациясининг роли.	24
Маҳсум ҚАРЛИБАЕВ. Қорақалпоқ фольклорида мусулмон мотивлари: афсоналар ва анъаналар.	28
Умид БЕКИММЕТОВ. Хоразмда яшаган немис меннонитларининг колективлаштириш давридаги фаолияти. 33	

ФИЛОЛОГИЯ

Берикбай БЕКНИЯЗОВ. Қорақалпогистон қозоқлари тилидаги "оғиз" компонентли фразеологизмларнинг лингвомаданий таҳлили.	36
Зебинисо АҲМЕДОВА. "Минг бир кечा"даги "сайёр сюзёт"ларнинг ўзбек халқ сеҳрли эртакларига таъсири....	40
Кумуш РАЖАЛОВА. Она тили машғулотларида матн устида ишлаш.	43
Саёдат ШИННАЗАРОВА. Муродбой Низанов асарларида сўз биримаси шаклидаги фразеологизмларнинг кўлланилиши	46
Саъдулла МАТЯКУПОВ. Диалогик тасвирда ҳажвий талқин.	49
Дилноза РУСТАМОВА. Чархий ва Собир Абдулла ижодида аруз вазининг ўрни.	64

ФАЛСАФА

Бердиқул ТЎЙЧИЕВ. Гуларам МАШАРИПОВА. Аристотель, Беруний ва Ибн Синонинг фалсафий қарашлари.	53
--	----

ЭТНОЛОГИЯ

Зулхумор КУЧКАРОВА. Халқ эртакларини ўрганиш борасидаги илмий ёндашувлар.	56
--	----

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Анвар АЛЛАМБЕРГЕНОВ. "Дунёларни ўйғотган даҳо" достонида Абу Райхон Беруний образи талқуни.	58
--	----

ҲУҚУҚИЙ ТАРГИБОТ

Азат КЫПШАКБАЕВ. Зебо КЕҢЖАЕВА. Одам савдосига қарши курашиш – долзарб вазифа.	63
---	----

НАСР

Иброҳим МАҲҚАМОВ. Кўчкантош воқеаси. Ҳикоя.	68
--	----

PEDAGOG MINBARI

Дилдора МАЛЛАХАНОВА. "Ikkinchi jahon urushidan keyingi xalqaro munosabatlari. "Sovuq urush"ning boshlanishi" 72	
---	--

Манзилимиз: Қорақалпогистон Республикаси, Беруний тумани
"Ҳалқлар дўстлиги" кўчаси, 11-йи. e-mail: qurbanboyeva@inbox.ru

Тел.: (+99899) 504-84-84

Босиша 28.07.2020 йилда руҳсат берилди.

Қоғоз бичими 60x84 1/6. Нашриёт ҳисоб табоби 6,5. Индекс – 960

Журнал 2016 йил 28 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0843 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Журналдан кўчириб босилганда "Тамаддун нури"дан олинди деб изоҳланиши шарт. Матн ҳамда рекламалардаги маълумотларнинг тўғрилиги учун муаллифлар масъулдир.

Таҳрията кеплан кўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

"SILVER STAR PRINT" МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Буюртма № 37.

Адади 2140 дона. Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-мавзе, 17-йи.

ISSN 2181-8258

УДК: 821.51

ДИАЛОГИҚ ТАСВИРДА ҲАЖВИЙ ТАЛҚИН

Аннотация: Мақолада шеъриятда диалогик тасвир ва ҳажвий талқин масаласи, лириканинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда ижодкор бадиий маҳорати масалалари илмий-назарий тадқиқ этилади.

Калит сўзлар: диалог, сатира, юмор, лирика, ижтимоий ҳаёт, бадиий ифода.

Аннотация: В данной статье описывается поэтический диалог и проблемы анализа юмора, в том числе особое внимание обращается на теоретико-практическое изучение проблемы лирики и специфические черты, а так же изучается творческое мастерство писателей.

Ключевые слова: диалог, сатира, юмор, лирика, общественная жизнь, художественное сознание.

Summary: The article explores the issue of dialogical imagery and satirical interpretation in poetry, the peculiarities of the lyrics and the creative and artistic skills of the lyric

Key words: dialogue, satire, humor, lyrics, social life, literary awareness

Xалқимиз азал-азалдан ҳазил-мутойибани хуш кўради. Маданийадабий ҳаётимиз тарихидан аёнки, ҳар бир даврда жамиятдаги ноқисликлар, инсонлар феъл-фаолиятидаги иллатлар ҳажв қилиб келинган. Хусусан, Гулханий, Завқий, Турди Фарогий, Ҳамза, Абдулла Қодирий, Fafur Гулом, Сайд Аҳмад ва ҳоказо ижодкорларимизнинг турли хил жанрдаги асарларида муайян бир давр муаммолари турли хил шаклларда сатира ва юмор орқали фош қилинади. Бу ўз навбатида бадиий адабиётда турли хил шакл ва тамоилларнинг вужудга келишига замин тайёрлади.

Маълумки, шеърий асарда шоир кўнгил кечинмалари инсон ёки муайян давр нидоси сифатида акс этади. Шу маънода, шоир инсоний изтироблар ёки воқеликка бадиий тафаккур орқали муносабат билдиради. Негаки, шеърнинг вужудга келишига ҳаётий асос сабабчи бўлади. Зеро, “Лирик шеърнинг ҳажман кичик бўлиши, бинобарин, тез ёзилиши ва ҳозиржавоблиги асарнинг давр муаммоларига вобасталигини муваффақиятли бажаришга кўмаклашади. Бу жиҳатдан лирика ва унинг ўзбек адабиётидаги жанрлари таснифини ўрганиш назарий аҳамиятгагина эмас, балки катта амалий аҳамиятга ҳам эга” [1. 4].

Шеъритимида мавжуд анъаналардан бири ижодкорларнинг диалоглар орқали воқеликка муносабат билдириши, шунингдек, уларда ҳажвий талқин имкониятларидан самарали фойдаланишлари алоҳида аҳамият касб этади. Ҳажвий шеърлар ва уларда диалогдан фойдаланиш Э.Воҳидов ва А.Орипов ижодида кўплаб учрайди. Ҳар иккала шоир бундай шеърларида ҳаётда учрайдиган турли хил воқеа-ҳодисалар ёки инсонлар феъл-фаолиятида мавжуд иллатларни бадиий талқин этади.



Саъдулла
МАТЯКУПОВ,
филология фанлари
номзоди, доцент,
Нукус давлат педагогика институти



Хусусан, А.Ориповнинг “Ҳаж савоби” шеъри дастлабки бандларида маънавий-ахлоқий муаммаларга қаратилган мухбир ва ҳожи бобо диалоги шундай тасвиранади:

Мухбир:

Ҳаж қилдингиз бориб Макка тарафларга,
Қўмидингиз ногаҳоний шарафларга.
Бундайин баҳт тушингизга кирганимиди?
Ҳожи бобо, нима дейсиз бу гапларга?

Ҳожи бобо:

Иншооплоҳ, ҳурлик келди гулдир-гулдир,
Қола берса, ҳар бир ишининг боши пулдир.
Ҳовли-жойни саксон мингга сотиб кетдим,
Мухбир болам, саволингга жавоб шулдир
[5. 194].

Кўринадики, мuloқot жараёнида мухбирнинг саволларига “Ҳожи бобо” томонидан берилаётган жавобларда унинг асл мақсади ва инсоний қиёфаси ёрқин акс этади. Аслида улуғ фарзни адо этишга бундай ниятда (“Ҳовли-жойни саксон мингга сотиб кетдим”) йўл олишнинг ўзи катта гуноҳ.

Мазкур шеърда шоир яратган диалог (савол ва жавоб) орқали ўқувчи кўз ўнгида “Ҳожи бобо”-нинг феъл-фаолияти аниқ гавдаланади. Хусусан, мухбирнинг саволларига бобонинг “Ҳаридорлар дурбин борми деб сўрашар, Мухбир болам, ҳайрон бўлдим шунга қараб”, “Бозорчиси соддагина араб десам, Мухбир болам, бизлардан ҳам шайтон экан” ёки “Атлас олиб борган эдим, арzon кетди, Мухбир болам, у жойларда асал қиммат” каби жавобларидан унинг бу сафардан мақсади савдо қилиш, бойлик орттириш бўлганлиги тасвиранади.

Мухбир:

Саволларим қулоққа ҳеч илдингизми,
Қайга бориб келганингиз билдингизми?
Мен савобдан гапираман, сиз саводдан,
Ҳожи бобо, аслида ҳаж қилдингизми?

Ҳожи бобо:

Тайёранинг патталари қўлимдадир,
Гувоҳларим мана ўнгу сўлимдадир.
Бундай макруҳ саволларни ким ўргатди,
Мухбир болам, ҳаж савоби дилимдадир
[5. 195].

Маълумки, бадиий адабиётда шакл ва мазмун мутаносиблиги асар муваффақиятининг асосий омилларидан саналади. Шунинг учун ҳам “Шоир ўз шеърларида бадиий мазмунга мос шакл танлайди. Бадиий ижоддаги ҳалқона руҳ инсониятнинг бир неча минг йиллик ҳамроҳи бўлган ҳалқ оғзаки ижоди мотивлари, ҳалқ бадиий тафаккуридаги етакчи тамойиллар билан уйғунлиқда идрок этилади” [6. 4].

Шу маънода, А.Орипов шеъридаги шакл ва мазмун мутаносиблиги орқали бобонинг нафс

қулига айланганлиги, шунингдек, ҳаёт аъмолига кўра ўзини ҳақ деб билувчи кимса эканлиги ўқувчи кўз ўнгида яққол намоён бўлади. Бундан ташқари, бобонинг асл қиёфасини англашда Ҳазрати Умарнинг “Кимки, эътиқодига кўра яшамаётган экан, яшаётгани каби эътиқодда бўлади”, деган сўзларига яна бир бор амин бўламиз.

Таъкидланишича, “Ҳажв (ар. – устидан кулмоқ) – бирор шахсни танқид қилиш, аёвсиз қоралаш, камчиликларини санаб, айлаш мақсадида яратилувчи асар, адабий жанр... Ҳажвнинг конкрет шахсга йўналтирилганлиги унда субъективликнинг кучайишига замин яратади, яъни муаллифнинг ўша шахсга муносабати ҳал қилувчи аҳамият касб этиб қолиши мумкин бўлади” [7. 388-389]. Шундай экан, А.Ориповнинг “Ҳаж савоби” шеърида бобонинг қилмишлари, ҳаётдаги аъмоли, ўз ҳақиқатини фош қилувчи кулгу орқали очиб берган бўлса, инсоннинг шу қадар тубанликка юз тутиши маънавий фожиа сифатида акс эттирилади.

Истиқлолгача бўлган даврларда ҳажвий руҳдаги шеърларнинг кам ёзилганлигини эътироф этиб, адабиётшунос Б.Норбоев шундай таъкидлайди: “Ҳолбуки, ҳаётни ҳажвий кўз билан кўриб, поэтик тадқиқ этиш ҳалқ кўзининг очилишига, миллатнинг ўзлигини англашга жиддий ёрдам бериши мумкин эди. Ҳажвий руҳ, ҳаётдаги ва инсондаги иллатлар устидан кулиш орқали камчиликлардан фориғ бўлиш, миллат онгини яхшилабгина қолмасдан, фаолликнинг кучайишига ёрдам беради. Шу маънода, Э.Воҳидов, А.Ориповнинг иллатларни нишонга олиб ҳажвий ва мажозий шеърлар ижод этишининг тарбиявий ва ижтимоий аҳамияти салмоқлидир” [4.37].

Дарҳақиқат, замонавий ўзбек шеъриягининг бу икки забардаст вакили ижодида ранг-баранг мавзулар ҳамда ўзига хос бадиий талқин усуспларини кузатиш мумкин. А.Ориповнинг “Ҳаж савоби” шеърида кўнгил поклиги масаласи бадиий талқин қилинса, Э.Воҳидовнинг “Ожиз кўзлар”, “Топишмоқ” каби шеърларида бугунги ёшлар ва катта авлод вакилларининг ҳаётга бўлган қарашлари, улар умрининг мазмун-моҳияти масалалари тасвиранади. Хусусан, “Ожиз кўзлар” шеърида икки авлод вакилининг сұхбати шундай акс эттирилади:

Кўзидан шикоят қилар қария:

“Менга нима бўлди ҳайронман ўзим.
Ҳов узоқда турган кулранг Нексия
Рақамини яхши илғамас кўзим”.

Уни ўраб олган бир тўп ўғил-қиз
Хўрсиниб тинглашар чолнинг сўзини.
“Эй, отаҳон, – дерлар, – биз кўрмаяпмиз
Ўша Нексиянинг ҳатто ўзини” [2. 40].

Мазкур шеърда ота ва у билан мuloқotдаги ёшларнинг одам ва оламни англаши ўзига хос

тарзда ёнгил юморга олинади. Бу билан шоир икки авлоднинг воқеликка муносабатини ўзаро бадий тадқиқ этади. Шоир ижодига муносабат билдирап экан адабиётшунос С.Мирзаев шундай ёзади: “Эркин Воҳидов ўз шеъриятида шеъриятнинг ранг-баранг шакл ва жанрларига мурожаат қилади ҳамда ҳар сафар унинг янги-янги намуналарини яратади. Шуниси муҳимки, шоир халқ ва жамият тақдирига тааллуқли жиддий шеърларида ҳам “кулгу мушоиралари”да ҳам воқеа ва ҳодисаларни куруқ баён этиш йўлидан эмас, аксинча асар ғоясини бадий тарзда гавдалантириш, содда ва образли, ихчам ва теран байтлар яратиш йўлидан боради ва жиддий ютуқларга эришади” [3. 194].

Э.Воҳидовнинг “Топишмоқ” шеърида ҳар бир авлоднинг ўз фаолиятидаги тажрибаси, ўзи учун иш қуроли сифатида англаган воситалари, шунингдек, муайян даврга хос майший турмуш тафовути бобо ва набира мулоқоти асносида талқин қилинади.

Топишмоқ айтади менга набирам:

– “К” дан бошланади ҳар уйда бор, – дер, –
Содда иш асбоби...
Мен, кетмон, десам,
Набирам кулади: – Йўқ, бу – компьютер!
[2. 40].

Таъкидлаш керакки, лирикада ижодкор ички оламининг намоён бўлишини унинг ифода услубидаги ўзига хослик вужудга келтиради. Шу маънода, ижодкорнинг ички ҳиссиёт бошқаруви ва ташки муҳит билан ўзаро мулоқоти бадий идрок имкониятларини шакллантиради. Мазкур жараён воқеликка нисбатан муносабатли нутқ сифатида (мен, сен, ўзга) акс этади. Бадий идрок этиш жараёни эса риторик шакл ва воситаларнинг ўзаро алоқасига таянади. Яъни, ижодкор онгигда шаклланадиган монологлашган ифода диалог ҳамда жонли сўзлашув услугуга мансуб савол-жавобларни вужудга келтиради. Шунингдек, асар тили ва ижод-

кор руҳияти ҳамда матнинг умумий моҳияти орасида алоқа вазифасини бажарадиган шоир субъектида ўзга бир моҳият (шахсий кечинма ва умумий кайфият, лирик ифода ва риторик муносабат) рақобати кузатилади. Унда муаллифнинг бадий тасвир воситаларидан фойдаланиш маҳорати, адабий позицияси, ифодаламоқчи бўлган фикрнинг мазмун-моҳиятини акс эттиришда таҳлилий имкониятларининг асослилиги диалог моҳиятини янада ойдинлаштиради.

Таҳлил қилинган шеърлардан кузатиладики, А.Орипов ва Э.Воҳидов ижодий изланишларида инсоний иллатлар ва турли авлод вакилларининг ҳаётга бўлган қарашларидаги тавофтларни ҳажвий талқин қилиш жиҳатидан қанчалик муштаракликка эга бўлса, уларни акс эттириш борасида шунчалик бетакрорлигини кўрамиз. Хусусан, шоирларимиз инсон умри моҳиятини англашда муштараклик касб этса ҳам бадий талқин этишда бир-бирини аслпо такрорламайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Адабий тур ва жанрлар (тарихи ва назаријасига оид). 2-жилд. Лирика. – Т.: Фан, 1992.
2. Воҳидов Э. Танланган асарлар. 4-жилд. Қиши ҳаловати. – Т.: Шарқ, 2016.
3. Мирзаев С. Ҳаёт ва адабиёт. – Т.: Шарқ, 2001.
4. Норбоев Б. Истиқлол ва истеъдод тарбияси. – Т.: Ўқитувчи, 1996.
5. Орипов А. Танланган асарлар, 2-жилд. Шеърлар ва достонлар. – Т.: Faфур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001.
6. Хамдамов А. Абдулла Орипов шеъриятида ҳалқона поэтик тафаккур муаммоси. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2004.
7. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиев М. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Академнашр, 2010.

